

ЁШ ОИЛАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Маълумки, оила жамиятнинг энг олий ва асосий бўғини ҳисобланади. Шунинг учун ҳам оила муқаддас саналади. Мамлакатимизда, айниқса, ёш оилаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёш оилаларга аввало ижтимоий-маиший шарт-шароитларини яхшилашга қаратилган турли-хилдаги молиявий кўмак берилаяпти. Ёш оилаларни моддий ва маънавий жихатдан ҳар томонлама қўллаб қувватланиши давлатимизнинг устувор вазифаларидан бирига айланди.

Ҳозирги вақтда Республикамизда 950 мингдан зиёд ёш оила мавжуд бўлиб, улар мамлакатимиздаги жами оилаларнинг 16 фоизини ташкил қилади. Тадқиқодлар натижаси шуни кўрсатадики, ёш оилалардаги можаролар, жанжаллар, норозиликлар ва охир-оқибатда уларнинг ажралиб кетишлари (ва шунга ўхшаш ҳоллар) асосан моддий етишмовчиликдан келиб чиқади. Янги қурилган оилада энг асосий муаммо уларнинг уй-жой билан таъминланишидир. Юқоридаги муаммоларни ҳал этиш мақсадида давлатимиз томонидан ёш оилаларга бир неча турдаги микрокредитлар ажратилди.

Булардан ташқари, Республикамиз Президенти ўзининг 2008 йил 9 февраль куни Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир” деб номланган маърузасида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: “...“Ёшлар йили” дастури ҳақида гапирганда, ёшлар сиёсати масалаларини таҳлил этаётганда, биз ёш оилаларнинг эҳтиёж ва талабларига алоҳида эътибор қаратишимиз керак. Авваламбор, ёш оилаларга муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шарт-шароитларни яратиб бериш, рўзғорни бутлаш учун маблағ ва кредитлар билан таъминлаш, маънавий етук, жисмонан соғлом болаларни тарбиялаб вояга етказиш йўлида зарур имкониятларни туғдириб беришимиз керак”¹.

Ёш оилаларнинг муаммоларини ечиш, аввало, уй-жой сотиб олиш ва иморат қуриш, рўзғорни бутлашга кўмаклашиш мақсадида

* ТДЮИ талабаси

¹ Каримов И.А “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш - барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир” “Халқ сўзи” газетаси, 2008 йил 9 февраль.

тижорат банклари томонидан 57 миллиард 500 миллион сўмлик ипотека ва истёъмол кредитлари ажратилди. Шу каби моддий кўмак, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ҳам кўрсатилди. Унда ёш оилалар учун 1 миллиард 800 миллион сўмлик ипотека кредити, 1 миллиард 100 миллион сўмлик истёъмол кредитлари беғараз ёрдам сифатида ажратилди.

Ёш оилаларга яратиб берилаётган мана шундай кенг имтиёзлар ва шу билан бирга давлатимизнинг юксак ғамхўрлиги, жамиятимиздаги барча ёш оилаларнинг моддий етишмовчиликдан келиб чиқаётган низо ва муаммоларини ҳал этиб бермоқда. Ечилаётган муаммолар уларнинг ажралиб кетиш ва шунга ўхшаш мудҳиш ҳолатларини олдини олади.

Оилаларни ажралиб кетишига асос бўлган сабабларни 2007 йил кўрсаткичлари мисолида кўрадиган бўлсак, оила куришдаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий етукликнинг паст даражадаги оиланинг муваффақиятли яшаб кетишида бир қанча муаммоларни юзага келтирган ва ажралишга олиб келадиган биринчи омил, эр-хотин дунёқарашининг мос келмаслиги, феъл-атворларининг бир-бирига зид эканлигидир. Ушбу сабаб билан 2007 йилда 21 фоиз оилалар ажрашиб кетган.

Иккинчи омил, иқтисодий муаммолар туфайли келиб чиққан зиддиятлардир. 2007 йилда ажралиш учун берилган даъво аризаларининг 20 фоизида ажралиш сабаби сифатида иқтисодий камчиликлардан келиб чиққан низолар сабаб қилиб кўрсатилган. Шунингдек, эр ёки хотиннинг бир-бирига хиёнат қилганлиги ажралишларнинг учинчи омилдир. Ўтган йилда ажралишган оилаларнинг 20 фоизи айнан шу иллат сабабли барбод бўлган эди.

Оилаларнинг бузилиб кетиш сабабларидан яна бири бу тобора авж олиб кетаётган гиёҳвандлик ва ичкиликбозликдир. Никоҳни бекор қилиш учун тушган аризаларнинг 18,5 фоизида оилада эркак ёки хотиннинг спиртли ичимлик ва наркотик моддаларга ружу қўйганлиги сабаб этиб кўрсатилган. Оила муҳитида ўзаро ҳурмат, одоб масалаларининг кўтарилиши ҳам ажралишга сабаб бўлмоқда. 2007 йили ажралиш ҳақида берилган аризаларнинг 8,4 фоизида оилада эр-хотин ва бошқа оила аъзолари ўртасида ўзаро ҳурмат йўқолганлиги негизида келиб чиққан носоғлом муҳит эр-хотиннинг ажралиши билан яқунланган. Келинлар ҳамма вақт ҳам келинлик вазифаларини тўлиқ бажара олмасликлари ва рўзғор ишларидаги тажрибасизликлари туфайли

вужудга келган қайнона-келин зиддиятлари 6,1 фоиз oilалар ажралишига олиб келган oilлардан биридир.

Ниҳоят, ажралишнинг сабабларидан яна бири сифатида миграцияни кўрсатиш мумкин бўлиб, ўтган йилда ажрашган oilларнинг 3,7 фоизида Европа миллатига мансуб бўлган эр ёки хотин бошқа давлатда яшаш учун кўчиб кетиш мақсадида ажралиш учун мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги 180-сонли қарорига асосан республика бўйича фаолият кўрсатаётган 9950 та фуқаролар йиғинлари ҳузурида йиғин оқсоқоли раислигидаги, таркибига хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси Раисаси, ҳудудий профилактика инспектори, таълим муассаси раҳбари, намунали oilа бошлиқлари, маҳалла оқсоқолининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи киритилган “яраштириш комиссияси” тузилган. Мазкур комиссиянинг асосий иш фаолияти маҳаллаларда соғлом авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиш, фуқароларнинг oilада ва маҳаллада тинч осойишта яшашларини таъминлаш, oilавий келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал қилиш ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ишларини олиб боришдир. 2005 йил давомида мазкур комиссиялар томонидан 11988 та ажралиш ниятини билдирган oilа яраштирилган бўлиб, 18247 та oilада келишмовчиликларга барҳам берилган.

Афсуски, сўнгги йилларда ажралишларнинг сони кўпайиб бормоқда. 2007 йилда мамлакат бўйича жами 19565 та oilа ажралиб кетган бўлиб, шундан судларда 14661 та ва ФХДЁ органларида 4909 та никоҳ бекор қилинган. Жумладан, судларда 17248 та (2004 йилда 17573 та) никоҳни бекор қилиш ҳақида ишлар кўриб чиқилган бўлиб, 2004 йилга нисбатан бу тоифа ишларнинг кўриб чиқилиши 325 тага ёки 2 фоизга камайган. Бу тоифа ишларни кўриб чиқилиши Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Сирдарё, Фарғона, ва Тошкент вилоятларида камайдигани ҳолда, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида кўпайган. Судлар томонидан мазкур тоифадаги 14661 таси (15302) ёки 85 фоизи (87,1) бўйича даъво қаноатлантирилган, яъни судгача ва суд жараёнида oilаларни яраштириш 2,1 фоизга яхшиланган, холос.

Юқоридаги статистик маълумотларга қараганда, жамиятимиздаги oilаларнинг ярашиб кетишдан кўра ажралиб кетишлари

кўпроқ кўзга ташланмоқда. Худди шундай ноҳуш ҳолларни олдини олишда фуқаролар йиғинлари ҳузурида тузилган “яраштириш комиссияси” нинг хизматлари беқиёсдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, “Ёшлар йили”да ёш оилаларга қаратилган юксак эътибор ва шу билан бирга давлатимиз томонидан берилаётган моддий имтиёзлар уларнинг яқин келажакдаги фаровон турмуш даражасини яхшилашга олиб келади. Шу ўринда республикамиздаги оилаларнинг, айниқса, ёш оилаларнинг ажралиб кетиш сабаблари қанча тез қисқарса, ўйлайманки, жамиятимиз бунданда мустаҳкам бўлишига ишончим комил.